



ҲАРБИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЙЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ибрагимов Санъат Музаффарович

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари

Академияси катта ўқитувчиси

E-mail:ibragimov@inbox.ru

Аннотация: *Ушбу мақола, ҳарбий педагогиканинг таълим жарайёнидаги аҳамияти ҳамда ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари таълим бериш жарайёнларида учраётган камчиликлар ва уларнинг бартараф этиш чоралари бўйича тавсиялар келтирилган.*

Калит сўзлар: *ҳарбий, педагогика, фаолият, офицер, муваффақият, муассаса, бўйсунувчи, ходим.*

Ҳарбий педагогика фан сифатида қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

ҳарбий педагогик жараённинг моҳиятини, тузилишини, функцияларини ўрганади;

ҳарбий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш муаммоларини ўрганади;

ҳарбий педагогик жараённи ташкил этишнинг самарали шакллари ва ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий жамоаларга таъсир ўтказиш усулларини ишлаб чиқади;

ҳарбий педагогик жараён ва ҳарбий хизматни инсонпарварлаштиришга ҳисса қўшади;

ҳарбий кадрларни тайёрлаш, ўқитиш, ривожлантириш ва психологик тайёргарликнинг мазмуни ва технологиясини асослайди;

ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларининг шакллари аниқлайди ва принципларини шакллантиради;

қўшин турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда аскарларни тайёрлаш ва психологик тайёргарлик усулларини асослайди;

ҳарбий хизматчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш мазмуни ва усулларини ишлаб чиқади;

ҳарбий ўқитувчи фаолиятининг хусусиятлари ва мазмуни ҳамда унинг педагогик маданияти ва маҳоратини шакллантириш ва ривожлантириш йўллари ўрганади;

ҳарбий-педагогик тадқиқотлар, илғор ўқитиш ва таълим тажрибаларини умумлаштириш, тарқатиш ва амалга ошириш методикасини ишлаб чиқади;

ҳарбий педагогиканинг тарихий меросидан ижодий фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар беради.

Ҳарбий педагогика вазифаларини ҳал қилиш, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар кучини



мустақамлаш, замонавий педагогик фикрлашни шакллантириш манфаатларида инсон омилини фаоллаштириш йўллари излаш билан боғлиқ бўлиб, кўмондонлар (бошлиқлар), ҳарбий жамоаларда ижодкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро талабчанлик ва шахсий жавобгарлик муҳитини яратиш;

Педагогик билимлар офицерга қуйидагиларга имкон беради:

бўйсунувчиларнинг жанговар фаолиятини маҳорат билан ташкил этиш, бўлинманинг жанговар ва сафарбарлик тайёрлигини талаб даражасида сақлаш;

жанговар тайёргарликни муваффақиятли назорат қилиши, шахсий таркибни методик жиҳатдан малакали тайёрлаши;

бўлинмада тарбиявий ишларни самарали олиб бориш, ҳарбий хизматчиларни Ватанни ҳимоя қилишга ахлоқий ва психологик тайёрлашда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига нисбатан юксак ғурур ва масъулиятни тарбиялаш;

кучли ҳарбий интизомни сақлаш бўйича тадбирларни самарали амалга ошириш, қисмининг ҳарбий жамоасини жипслаштириш;

бўйсунувчи қисмда ички тартибнинг қатъий бажарилишини таъминлаш, кундалик тартибда хизмат қилиш учун ҳар томонлама машғулотлар ташкил этиш ва ўтказиш;

бўйсунувчи ходимлар билан ишлашни йўлга қўйиш, уларга касбий билим ва услубий кўникмаларни оширишда зарур ёрдамни кўрсатиш;

бўлинма, взвод, баталённи шахсий ўқитиш ва бошқариш усулларини самарали такомиллаштириш;

Офицер расмий вазифаларни бажариш билан бирга бир қатор педагогик функцияларни ҳам бажаради.

Офицер бўйсунувчиларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, жанговар тайёргарлигини ошириш билан ҳам шуғулланади.

У бўйсунувчилари учун бевосита бошлиқ бўлиб, у ҳарбий хизматчилар орасида таълим, Ватан ҳимоячисининг фазилатларини шакллантириш, қонунлар, қоидалар талабларига риоя қилиш, уларнинг интеллектуал ва жисмоний фазилатларини ривожлантириш учун жавобгар шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, офицер қарамоғидаги ходимларни ўқитиш ва тарбиялаш амалиётида офицер ва сержантларни (кичик командирларни) ўқитади, уларнинг педагогик фаолиятини ташкил қилади ва бошқаради.

Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ички хизмати Низомининг тегишли моддаларида таъкидланган ва кундалик ишларда бажарилиши мажбурийдир, деб белгилаб қўйилган.

Хулоса ҳарбий касбий фаолиятнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан офицернинг ҳарбий жамоанинг етакчиси сифатида ҳарбий педагогика соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги ва уларни талаб даражасида эгаллаганлиги билан белгиланади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муслимов.Н.А. Ҳарбий таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фанл. докт. ... дисс. Т.: 2007.
2. Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғурур. Оқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999.
3. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис...доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 – Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021.
4. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари. // -Таълим ва тарбия|| журнали. 1997. 5-6 сон.
5. Зиёмуҳаммадов Б. Педагогика. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Тошкент – 2006.